ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ

СУЛТОНОВ АБДУЛЛА АЗАМАТОВИЧ

ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ БОСҚИЧИДА ПРОЦЕССУАЛ ХАРАЖАТЛАРНИ ТЎЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УДК: 343.1(575.1)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Султонов Абдулла Азаматович
Ишни судга қадар юритиш босқичида процессуал харажатларни тўлаш механизмини такомиллаштириш 3

Султонов Абдулла Азаматович
Совершенствование механизма оплаты процессуальных расходов на стадии досудебного производства..... 26

Sultonov Abdulla Azamatovich
Improvement the payment of procedural expenses at the stage of pre-trial proceedings..... 48

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 52

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ

СУЛТОНОВ АБДУЛЛА АЗАМАТОВИЧ

ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ БОСҚИЧИДА ПРОЦЕССУАЛ ХАРАЖАТЛАРНИ ТЎЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Yu170 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Мухитдинов Фахритдин Мухитдинович,** юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Ражабов Бахтиёр Алмахматович,** юридик фанлар доктори, доцент
	Кадирова Мохигул Хамитовна, юридик фанлар номзоди
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил 13 июнь соат 10^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: info@akadmvd.uz).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1021-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52).

Диссертация автореферати 2020 йил 3 июнь куни тарқатилди.

(2020 йил «03» июндаги 20 рақамли реестр баённомаси).

А.С. Турсунов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Дж.Х. Юлдашев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

Р. Кабулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатларининг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатида иқтисодий омилларга таяниш ҳамда процессуал харажатлар учун сарфланадиган маблағлар миқдорини аниқ баҳолаш объектив заруратга айланмоқда. Статистик маълумотларга кўра, 2018–2019 йилларда жиноятчиликка қарши курашга БМТ 307 млрд доллар ажратган бўлса[1], биргина АҚШнинг ўзи ана шу мақсадларда 200 млрд доллардан ортиқ маблағ сарфлаган[2]. Қозоғистонда эса бунинг учун жами 1,8 млрд доллардан ортиқ (639,99 млрд тенге) сарфлангани ҳолда, шундан тахминан 5,3 млн доллари (1,87 млрд тенге) бевосита процессуал харажатларни тўлашга йўналтирилган[3]. Бироқ фуқаролик жамиятининг самарали одил судловга бўлган ва борган сари ортиб бораётган табиий эҳтиёжи мазкур маблағлар ҳажмини янада оширишни тақозо этмоқда.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида жиноятчиликка қарши курашнинг иқтисодий ва ижтимоий харажатларини ҳисоблаш ва қоплашга оид илмий тадқиқотларни амалга ошириш тенденцияси ортиб бормоқда. Мазкур тадқиқотларда жиноятнинг иқтисодий ва ижтимоий харажатларини таҳлил қилиш асосида ишни юритиш қийматини аниқлаш, процессуал харажатларни тўлаш манбалари доирасини кенгайтириш, шартномавий асосда жиноят-процессуал хизмат кўрсатиш, шунингдек одил судловнинг самарадорлигини оширишга доир муаммоларнинг илмий асосланган ечимларини топиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Республикамиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларда жиноят ишини юритишнинг процессуал харажатларини қоплаш тартибини такомиллаштириш[4] ва уларни тўлаш механизмини аниқлаштириш[5] орқали шахснинг мулкий ҳуқуқларини кафолатлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда ҳуқуқни қўллаш амалиётида юритилаётган жиноят ишларининг 90 фоизида процессуал харажатлар тўланмай қолмоқда[6]. Шу боис, процесс иштирокчиларининг йўл ҳақи, турар жой ижараси ва бошқа харажатларини тўлаш орқали жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, таржимон хизматига ҳақ тўлаган ҳолда жиноят ишлари юритиладиган тил принципининг қатъий таъминланишига эришиш, шунингдек процессуал харажатларни қонунда назарда тутилмаган манбалардан қоплашга уриниш оқибатида ишни юритишга масъул мансабдор шахслар фаолиятида юзага келадиган коррупциявий омилларни бартараф этиш жиноят процессининг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

---

[1] https://www.unodc.org/documents/commissions/CCPCJ/Crime_Resolutions/2010-2019/2017/Resolution_26_5_Rec_CCPCJ.pdf//https://undocs.org/E/CN.7/2017/12-E/CN.15/2017/14.

[2] https://www.knowablemagazine.org/article/society/2018/fighting-crime-statistics.

[3] https://cyberleninka.ru/article/n/protsessualnye-izderzhki-v-ugolovnom-protsesse-ponyatie-i-priznaki.

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сон қарори // https://lex.uz/ru/docs/3735818.

[5] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 январдаги «Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4125-сон қарори // https://lex.uz/ru/docs/4172023.

[6] Тадқиқот натижалари таҳлили асосида берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2016.21.10) ПФ-4850-сон, «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017.07.02) ПФ-4947-сон, «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017.10.04) ПФ-5005-сон, «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2017.30.11) ПФ-5268-сон, «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018.12.05) ПФ-5441-сон, «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги (2020.02.03) ПФ-5953-сон фармонлари ва соҳага доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот мавзусига оид умумий масалалар жиноят-процессуал ҳуқуқ тармоғида тадқиқот олиб борган олимлардан Г.А.Абдумажидов, Б.Т.Акрамходжаев, З.Ф.Иноғомжонова, Д.Ю.Камалходжаев, Д.М.Миразов, Б.А.Миренский, Ф.М.Мухитдинов, Э.Х.Норбутаев, Ю.С.Пулатов, М.А.Ражабова, А.Х.Рахмонқулов, С.М.Сахаддинов ва Г.З.Тулагановалар томонидан ўрганилган. Уларда асосан процессуал чиқимлар институтининг қонуний тартибга солинишига доир масалалар ёки тадқиқот мавзусига боғлиқ айрим жиҳатлар юзасидан мулоҳазалар юритилган.

Чет давлатларда процессуал харажатларнинг турлари ва уларни ундириш масалалари – С.В.Бажанов, В.Н.Демидов, К.Н.Емельянов, Н.А.Сидорова (Россия), Н.А.Марцинкевич (Беларусь), А.Т.Карипова, Б.К.Нургазинов (Қозоғистон) томонидан, тушунчаси ва аҳамияти – Ю.Ф.Беспалов, В.В.Вандишев, К.Б.Калиновский, О.Ю.Кузнецова, И.А.Пикалов, А.Рекунов (Россия), Н.И.Полишчак (Украина), Б.Бойсенов, Т.А.Ханов, (Қозоғистон) томонидан, уларнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатидаги иқтисодий аҳамияти эса Mark A.Cohen, Stiv Aos, Polly Phipps, Robert Barnoski, Roksanna Lieb (АҚШ), Sarre, Rick (Австралия) каби олимлар томонидан тадқиқ этилган[7].

[7] Бу ва бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Мазкур муаллифлар жиноят-процессуал ҳуқуқ фанининг ривожига муайян даражада ҳисса қўшганлар. Бироқ, мамлакатимизда процессуал харажатлар институтига, шунингдек ишни судга қадар юритиш босқичида уларни тўлаш механизмини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатларига оид тадқиқотлар ўтказилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг 2018–2021 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасидаги «Ўзбекистон Республикасида жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш ва жиноят-процессуал қонунчиликдаги ўзгаришларни амалиётга жорий этиш масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жиноят-процессуал қонунчиликда процессуал харажатларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

процессуал харажатларнинг моҳияти ва жиноят ишини юритишдаги бошқа харажатлардан фарқланувчи хусусиятларини таҳлил қилиш;

процессуал харажатлар институтининг тарихий ривожланиш жараёни ва жиноят-процессуал аҳамиятини ўрганиш;

процессуал харажатлар институтининг қонуний тартибга солинишини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

ишни судга қадар юритиш босқичида процессуал харажатларни тўлаш амалиёти ҳамда бу борадаги хорижий тажрибани таҳлил қилиб, уларнинг ижобий жиҳатларини ўзлаштириш имкониятларини кўриб чиқиш;

процессуал харажатларни тўлашнинг аниқ механизмини мақбуллаштириш борасидаги таклифларни шакллантириш;

процессуал харажатларни тўлаш манбаини такомиллаштириш ҳамда ушбу институтни ривожлантириш истиқболларини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти ишни судга қадар юритиш босқичида процессуал харажатларни тўлаш механизми билан боғлиқ процессуал-ҳуқуқий муносабатлардир.

Тадқиқот предметини процессуал харажатлар ва уларни тўлашга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ишни судга қадар юритишда уларни қўллаш амалиёти ҳамда юридик фандаги процессуал харажатларга оид концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация устида ишлаш жараёнида илмий билишнинг индукция, дедукция, кузатиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, формал-мантиқий, тарихий, аниқ социологик, шунингдек илмий манбаларни ўрганиш, жиноят ишларини таҳлил қилиш каби усулларидан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда кўринади:

суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида видеоконференцалоқадан фойдаланишда сарфланган харажатларни процессуал харажатларнинг

алоҳида тури сифатида жиноят-процессуал қонунчиликда белгилаш зарурлиги асослантирилган;

ишни судга қадар юритиш босқичида тергов ҳаракатларини ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда, масофадан туриб (онлайн) ўтказиш орқали процессуал харажатларни тежаш мумкинлиги исботланган;

процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш ишни қисқа муддатларда, кам куч ва маблағ сарфлаган ҳолда кўриб чиқишга имкон бериши асосланган;

турар жой ижараси харажатларини, шунингдек йўлкира сарфини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаганида ушбу харажатларни ҳисоблаш тартиби ва қоплаш миқдорини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаш зарурлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг янги 91^1-моддасини ишлаб чиқишда шахс соғлиғининг ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра жиноят ишини тергов қилаётган органга ёки тергов ҳаракати ўтказилаётган жойга бориш имкони бўлмаганида, шунингдек тергов ҳаракатини ўтказиш қийинлашиши ёки у ортиқча харажатлар келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида тахмин қилиш учун сабаблар бўлганида тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш учун асос сифатида фойдаланилган. Бу эса сўроқ қилиш, таниб олиш, юзлаштириш каби тергов ҳаракатларида бевосита қатнашиш имкони бўлмаган, шунингдек бу ортиқча харажатлар келтириб чиқариши мумкин бўлганида жиноят процесси иштирокчиларининг ушбу ҳаракатларда масофадан туриб иштирок этиши тартибининг жорий этилиши ҳамда ишни судга қадар юритиш босқичида ортиқча харажатларнинг олди олинишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган «Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларнинг харажатларини тўлаш тартиби ва уларнинг миқдорлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорининг қабул қилиниши ишни юритиш билан боғлиқ процессуал харажатларни тўлашнинг аниқ механизмини, шунингдек юридик таржиманинг оғзаки ва ёзма шакли ҳамда сурдотаржима учун тўланадиган ҳақ миқдорини ҳисоблаш мезонларини белгилаш, жиноят-процессуал муносабатларда фуқароларнинг мулкий ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва миллий қонунчилик нормалари, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги илғор тажриба, социологик тадқиқотлар (анкета сўрови, интервью олиш), статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижаларини умумлаштириш орқали асослантирилган. Хулосалар, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтган, тадқиқот натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар тегишли идоралар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган. Диссертацияда

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, ИИВ, Бош прокуратураси, Олий судининг маълумотлари, 134 нафар терговга қадар текширув, 137 нафар суриштирув, 456 нафар дастлабки тергов, 53 нафар суд органи ҳамда 114 нафар адвокатура ва илмий-педагог ходимлар ўртасида ўтказилган сўров натижалари, 400 га яқин жиноят ишини бевосита юритиш ҳамда бошқа жиноят иши материалларини ўрганиш натижалари умумлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг *илмий аҳамияти* диссертацияда ифодаланган хулоса, таклиф ва тавсиялардан келгуси тадқиқот ишларида, қонун ижодкорлиги жараёнида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини талқин этишда, шунингдек «Жиноят-процессуал ҳуқуқ», «Терговга қадар текширув», «Тергов фаолияти» ҳамда «Тезкор-қидирув ҳуқуқи» фанларини назарий жиҳатдан бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг *амалий аҳамияти* «Адолат харажатлари» деб номланган миллий тизимни жорий қилишга оид концептуал таклифнинг илмий ва амалий жиҳатдан мувофиқлаштирилган ҳолда жорий этилиши Ўзбекистоннинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсати самарадорлигини янада оширишга ҳамда процессуал харажатларни тўлашнинг қўшимча манбаи шаклланишига хизмат қилишида кўринади.

Процессуал харажатларни тўлаш жараёнида зарур бўладиган процессуал ҳужжатларнинг асосий реквизитлари акс этган намуналар жиноят ишини юритишда процессуал харажатлар институти билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштиришда ягона методология шаклланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Ишни судга қадар юритишда процессуал харажатларни тўлаш механизмини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида видеоконференцалоқадан фойдаланиш чоғида сарфланган харажатларни процессуал харажатларнинг янги тури сифатида жиноят-процессуал қонунчиликда мустаҳкамлашга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 318-моддаси 7^1-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йил 28 январдаги 1-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши ишни судга қадар юритиш босқичида сарфланган харажатларни тўлиқ қамраб олишга асос бўлиши билан бирга, процессуал харажатлар турининг кенгайишига хизмат қилган;

суд-тергов амалиётида ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда тергов ҳаракатларини масофадан туриб (онлайн) ўтказиш орқали процессуал харажатларни тежашга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 91^1-моддаси 1 ва 4-бандлари қоидаларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2020 йил 18 февралдаги 06/1-05/117вх-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши сўроқ қилиш, шахсни ёки нарсани таниб

олиш, юзлаштириш тергов ҳаракатларида узрли сабабларга кўра бевосита қатнашиш имкони бўлмаган, шунингдек иштирок этиши ортиқча харажат келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолларда процесс иштирокчиларига юқоридаги тергов ҳаракатларида билвосита (масофадан туриб, онлайн) иштирок этиш имконини берган;

процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш асосида ишни қисқа муддатларда, кам куч ва маблағ сарфлаган ҳолда кўриб чиқиш тизимини татбиқ этишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги (2020.02.03) ПФ-5953-сон фармонига илова сифатида тасдиқланган Давлат дастурининг «Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» номли II бўлимининг 46-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Тараққиёт стратегияси марказининг 2020 йил 9 мартдаги 1008-1/20-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи айбига тўлиқ иқрор бўлган ва уни айблаш учун етарли далиллар бўлган ҳолларда иш юритишни соддалаштириш ҳамда енгилроқ жазо тайинлаш тартиби ишлаб чиқилишига асос бўлган;

турар жой ижараси харажатларини, шунингдек йўлкира сарфини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаганида ушбу харажатларни ҳисоблаш тартиби ва қоплаш миқдорини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлашга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 12 августдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 92 ва 34-2019-ҚҚ-сон қарорининг 3 ва 5-моддаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил 3 февралдаги 04/03-03-06-32/591-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши жиноят процесси иштирокчиларининг процессуал ҳаракатлар ўтказиладиган жойга келиб-кетиши ҳамда турар жойни ижарага олиши билан боғлиқ харажатларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари иккита халқаро, тўртта республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияда муҳокама қилиниб, маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та, жумладан диссертациянинг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 7 та илмий мақола (улардан 1 таси хорижда) чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 154 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги асослантирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертациянинг ИИВ Академияси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши, апробацияси ҳамда эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Жиноят-процессуал ҳуқуқда процессуал харажатларнинг илмий-назарий таҳлили»** деб номланган бўлиб, иккита параграфни ўз ичига олади. Ушбу бобда процессуал харажатларнинг юридик моҳияти, ишни юритишдаги бошқа харажатлардан фарқли жиҳатлари, ривожланиш тарихи, процессуал харажатларни тўлаш механизмини такомиллаштиришнинг ижтимоий-ҳуқуқий зарурати таҳлил қилинган.

Диссертантнинг фикрича, процессуал харажатларни тўлаш механизмини такомиллаштиришда, авваламбор, унинг илмий-назарий асосларига, жумладан процессуал харажатларнинг моҳияти ва хусусиятларига ойдинлик киритиш лозим. Ушбу масалада муаллиф ўзбекистонлик олимлардан А.Х.Раҳмонқулов, Б.А.Миренский, Г.З.Тўлаганова, З.Ф.Иноғомжонова, Э.Х.Норбутаев, шунингдек хорижлик тадқиқотчилардан А.Т.Карипова, Б.Калиновский, Б.Т.Безлепкин, В.В.Вандишев, В.И.Радченко, И.А.Пикалов, К.Н.Емельянов, М.Ч.Когамова, Н.А.Марцинкевич, Н.И.Полишчак, О.Ю.Кузнецов, С.В.Бажанов ва Т.А.Хановнинг фикрлари асосида улар билан илмий мунозарага киришган ҳамда процессуал харажатларнинг моҳиятини тўлиқ қамраб оладиган илмий-назарий таъриф шакллантириш зарурлигини асослаб берган.

«Процессуал чиқимлар» институтининг номини қайта кўриб чиқишни бу борадаги дастлабки қадамлардан бири деб ҳисоблаган тадқиқотчи «чиқим» атамасининг ўзбек атамашунослигидаги ҳамда ҳуқуқий, иқтисодий ва психологик жиҳатларини таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон Республикаси ЖПКда (кейинги ўринларда – ЖПК), шунингдек жиноят-процессуал ҳуқуқ ва қонунчиликда унинг ўрнига «харажат» атамасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деган хулосага келган. Муаллиф, буни энг аввало, «харажат» атамасининг мазмуни «чиқим» атамасиникидан кенглиги, шунингдек ЖПКнинг 318-моддаси 3 ва 4-бандларида келтирилган таржимон ҳамда ҳимоячи хизмати учун тўланадиган ҳақ, тўлиғича давлат ҳисобидан қопланиши боис, иқтисодий нуқтаи назардан чиқим ҳисобланиши, қолган тўловлар эса, келгусида жиноят процесси иштирокчиси ҳисобидан ундириб олиш мумкинлиги сабабли, харажат сифатида баҳоланишини инобатга олиб, кенг маънодаги «харажат» атамасини қўллаш мақсадга мувофиқлиги билан асослаган.

Шу билан бирга, процессуал харажатларни тавсифлашда инобатга олиниши зарур бўлган мезонлар танқидий таҳлил қилиниб, процессуал харажатларнинг ишдаги бошқа харажатлардан фарқли жиҳатлари, яъни харажатларнинг жиноят ишларини юритиш жараёнида юзага келиши, жиноят ишини юритиш манфаатларига хизмат қилиши ҳамда процесс иштирокчиларининг жиноят-процессуал мажбуриятларни бажариши туфайли юзага келиши асослантирилган.

Жумладан, диссертант жиноят-процессуал назарияда «процессуал харажатлар» тушунчасига берилган таърифларни чуқур таҳлил қилиш асосида унинг қуйидаги муаллифлик таърифини таклиф этади:

Кенг маънодаги *процессуал харажатлар* – жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифаларига мувофиқ юзага келадиган ҳамда жиноят ишини юритишга масъул мансабдор шахслар процессуал фаолиятининг самарадорлигини оширадиган, жиноят процессида иштирок этувчи шахсларнинг мулкий ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, уларга давлат ҳисобидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, далиллар билан ишлаш бўйича процессуал ҳаракатларнинг моддий шарти бўлиб хизмат қиладиган ва бошқа сарф-харажатлар.

Тор маънодаги *процессуал харажатлар* – жиноят ишини юритиш давомида жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифаларига мувофиқ келиб чиқадиган ва жиноят процесси иштирокчиларининг мулкий ҳуқуқларини муҳофаза қилишга сарфланадиган маблағлардир. Шунингдек, диссертант ушбу институтни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ифодалашда «*давлат бюджети ёки жиноят процессининг иштирокчилари ҳисобидан қопланадиган жиноят ишини юритиш билан боғлиқ харажатлар»* мазмунидаги ҳуқуқий таърифдан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Тадқиқотчи процессуал харажатларнинг ривожланиш тарихини ўрганиш жараёнида ўзбек давлатчилиги тараққиётининг ўзига хос жиҳатларига таяниб: 1) Марказий Осиё араблар томонидан босиб олингунига қадар бўлган ҳуқуқ тарихи; 2) Марказий Осиёга ислом дини кириб келган ва шариат нормалари жорий этилган даврдаги ҳуқуқ тарихи; 3) Чор Россияси ҳукмронлиги давридаги ҳуқуқ тарихи; 4) СССР давридаги ҳуқуқ тарихи; 5) мустақил Ўзбекистон миллий қонунчилигининг тараққиёт даври каби босқичларга ажратиб ўрганган ҳамда уларнинг тарихий ривожланиш хусусиятларини очиб берган.

Муаллиф процессуал харажатларни тўлаш механизмини такомиллаштириш ижтимоий-ҳуқуқий зарурат эканлигини кўрсатувчи қуйидаги вазифаларни илмий-амалий асослаб берган: 1) жиноятга оид одил судловни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш; 2) жиноят процесси иштирокчиларининг моддий манфаатларини самарали муҳофаза қилиш; 3) махсус билим ва кўникмаларга эга мутахассислар ҳамда зарур маълумотга эга иштирокчиларни жалб этишнинг самарали тизимини жорий этиш орқали жиноят ишини юритиш сифатини ошириш; 4) ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш; 5) жиноят содир этилгани ҳақида асоссиз

ариза ва хабарлар берилишини камайтириш; 6) жиноят ишларини юритишда давлат сарфлайдиган харажатлар миқдорини, яъни жиноят процессининг умумий қийматини аниқлаш; 7) давлат ҳисобидан амалга оширилган юридик ёрдам учун ҳақ тўланишини кафолатлаб, ҳимоя институтини такомиллаштириш; 8) жиноят ишини юритишга масъул мансабдор шахслар фаолиятида коррупцияга сабаб бўлаётган объектив омилларни бартараф этиш.

Тадқиқотчи ана шулар асосида процессуал харажатларни тўлаш механизмини такомиллаштиришнинг аҳамиятини ойдинлаштирган.

Диссертациянинг «**Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида процессуал харажатлар институти: қонунчилик ва амалиёт таҳлили**» номли иккинчи бобида процессуал харажатлар тўланишини тартибга солувчи ЖПК нормалари, процессуал харажатларни тўлаш тартиби ва миқдорини белгилаб берадиган қонун ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек ишни судга қадар юритиш амалиётида процессуал харажатларни тўлашнинг бугунги ҳолати ўрганилиб, тадқиқ этилган.

Диссертант ЖПКда мавжуд коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида, процесс иштирокчилари сарфлаган харажатларни ундириш ҳуқуқини эътироф этадиган 75-моддасини ушбу кодекс 40-бобининг ҳуқуқий тартибга солиш предмети билан таққослаб ўрганган. Таҳлилларда ушбу модда билан боғлиқ қуйидаги жиҳатлар эътиборга олинган: 1) модданинг қонундаги ўрни; 2) модданинг мазмуни ва ЖПК 40-бобининг ҳуқуқий тартибга солиш предметида ўхшашлик ва тафовутлар мавжудлиги; 3) модданинг жиноят-процессуал аҳамияти. Қиёсий таҳлил асосида 75-моддани ЖПКдан чиқариш ҳамда харажатларни ундириш ҳуқуқини – жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган тегишли нормаларнинг ўзида «*процессуал харажатлар учун тўлов олиш*» мазмунида, процессуал харажатларни тўлаш тартиби ва миқдорлари ҳақидаги қоидани эса ЖПКнинг 318-моддасида алоҳида қисм сифатида акс эттириш лозимлиги асослаб берилган.

Тадқиқотчи ЖПКнинг 318 ва 319-моддалари мазмунини процессуал харажатларни тўлаш механизми ҳамда жиноят ишини юритиш билан боғлиқ харажатларни қамраб олиши нуқтаи назаридан танқидий таҳлил қилган. Бунда жиноят ишини юритиш жараёнида юзага келадиган процессуал харажатларга нисбатан эҳтиёж, миллий қонунчилик нормалари ҳамда бу борадаги Россия Федерацияси, Украина, Беларусь, Молдова, Эстония, Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари каби давлатлар тажрибаси, шунингдек ҳуқуқшунос олимларнинг илмий қарашлари ва тадқиқот доирасида ўрганилган жиноят ишлари асосида шаклланган хулосаларга таянган.

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, процессуал харажатларни тўлашга доир тартибни янада такомиллаштириш мақсадида, ЖПКнинг 318-моддасида белгиланган харажат турларини янада кенгайтириш, 319-моддасини жиноят процессида хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлашга хизмат қиладиган янги қисм билан тўлдириш, шунингдек

айрим ҳолатларда жабрланувчига кўрсатилган юридик ёрдам учун харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш мумкинлигини назарда тутадиган янги харажат турини қонунда акс эттириш зарурлиги асослантирилган. Бундан ташқари, ЖПКни жабрланувчининг вакили сифатида адвокатни жалб қилиш тартибини белгилайдиган янги 62^1-модда билан тўлдириш, гувоҳлар, жабрланувчиларни видеоконференцалоқа воситасида сўроқ қилиш тартибини мувофиқлаштириш мақсадида 114-модданинг учинчи қисмини янги таҳрирда баён этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Процессуал харажатларни тўлашнинг ҳуқуқий тартибини белгиловчи «Гувоҳлар, жабрланувчи, эксперт, мутахассислар, таржимонлар ва холисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдори тўғрисида»ги (1992.03.06) Ўзбекистон Республикаси қонунининг нормалари чуқур таҳлил қилиниб, ушбу ҳужжатда процессуал харажатларни тўлашнинг аниқ механизми мавжуд эмас, деган хулосага келинган. Тадқиқот учун зарур маълумотларни олиш мақсадида харажатларни тўлаш учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳақида – Молия вазирлигига, амалда тўланган харажатлар миқдори ҳақида ИИВ, Бош прокуратура ҳамда Олий судга юборилган сўров хатлари бўйича келган жавоблар таҳлил қилинган. Уларга мувофиқ, процессуал харажатларни тўлашга доир маблағлар давлат бюджетининг харажатлари параметрларида назарда тутилмаганлиги, шунингдек жиноят ишини юритишга масъул давлат органларида тўланган процессуал харажатлар ҳақида маълумот йўқлиги аниқланган.

Тадқиқотчи диссертация доирасида ўтказилган анкета сўрови натижаларини таҳлил қилиш асосида процессуал харажатларни тўлаш билан боғлиқ қуйидаги муаммоларни аниқлашга муваффақ бўлган: жиноят ишини судга қадар юритишда зарурат туғиладиган процессуал харажатларнинг ойлик маош ва бошқа даромадлар ҳисобидан қопланиши (буни респондентларнинг 93 % тасдиқлаган); бир эпизодли, бир нафар шахс томонидан содир этилган жиноят ишини юритишда тергов органи ходими ҳисобидан 100 минг сўмдан 500 минг сўмгача ва ундан ортиқ маблағ сарфланиши (59 %), бу борада сарфланадиган шахсий маблағларнинг ҳисоби юритилмаслиги (40 %); процессуал харажатларни тўлаш механизми амалда ишламаслиги, бунинг устига, жиноят ишини юритишга масъул мансабдор шахслар ўртасида коррупцияни келтириб чиқарадиган асосий омиллардан эканлиги (80 %); жиноят ишини юритиш харажатларининг кўплиги тергов органлари ходимлари ўз касбини ўзгартиришига сабаб бўлаётгани (88 %) ва ҳоказо.

Шу асосда муаллиф «Гувоҳлар, жабрланувчи, эксперт, мутахассислар, таржимонлар ва холисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси (1992.03.06) қонунини бекор қилиш ҳамда унинг ўрнига процессуал харажатларни тўлаш тартиби ва миқдорини ҳисоблашнинг аниқ механизмлари кўрсатилган Вазирлар Маҳкамаси қарорини ишлаб чиқиш ва амалга киритиш зарурлигини асослаб берган.

Диссертациянинг учинчи боби **«Процессуал харажатлар институти ва уни тўлаш билан боғлиқ ҳуқуқий механизмни янада такомиллаштириш истиқболлари»** деб номланиб, унда процессуал харажатларни тўлаш, жиноятчиликка қарши курашишда процессуал харажатларнинг таҳлилларига доир чет эл тажрибаси асосида процессуал харажатларни тўлашнинг ҳуқуқий механизми ва манбаини, шунингдек процессуал харажатлар институтини янада такомиллаштириш орқали жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари вазифаларининг бажарилиш самарадорлигини ошириш йўллари тадқиқ этилган.

Диссертант хорижий давлатлар (АҚШ, Германия, Франция, Испания, Канада, Австралия, Россия, Қозоғистон, Эстония) қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини чуқур ўрганиш асосида жиноий жавобгарлик, шу жумладан жиноят ишини юритишнинг тахминий қийматини ҳисоблаб чиқиш процессуал харажатларни қоплаш самарадорлигини ошириши мумкинлигини асослаб берган. Масалан, АҚШда жиноятни очиш учун сарфланадиган ўртача маблағ миқдори ижтимоий хавфли қилмишнинг туридан келиб чиқиб белгиланган. Жумладан, қасддан одам ўлдириш жинояти учун – 22000 – 44000, номусга тегиш ва бошқа жинсий эркинликка қарши жиноятлар учун – 600 – 1300, босқинчилик учун – 800 – 1200, оғир оқибатларга олиб келган тан жароҳати етказиш жинояти учун – 200 – 600, уй-жойга ғайриқонуний равишда кириб содир этилган ўғирлик учун – 300 – 600, автомашинани олиб қочиш ҳамда автомашинадан содир этилган ўғирлик жиноятлари учун – 200 – 400 долларгача сарфланиши мумкин.

Германия Федератив Республикаси тажрибасида узоқ ҳудудлардан чақирилган жиноят процесси иштирокчиларининг йўлкира харажатлари маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан олдиндан тўлаб берилиши белгиланган. Бу эса, ўз навбатида, жиноят процесси иштирокчиларининг мулкий манфаатлари самарали муҳофаза қилинишини ҳамда улар процессуал ҳаракатлар ўтказиладиган жойга ўз вақтида етиб келишини таъминлайди.

Россия Федерацияси ҳукуматининг қарори асосида тасдиқланган процессуал харажатларни тўлаш тартибини белгиловчи низомда процессуал харажатлар миқдорини ҳисоблаш билан боғлиқ энг кичик тафсилотлар ҳам эътиборга олиниб, харажатларни қоплаш учун тўланадиган ҳақ миқдори жиноят ишининг хусусиятларидан келиб чиқиб, 2019 йилдан 2021 йилгача жадал ўсиб борувчи аниқ миқдорларда кўрсатилган.

Диссертацияда ўрганилган ижобий тажрибаларни умумлаштирган ҳолда тадқиқот предмети юзасидан таҳлилий хулосалар қилинган.

Жумладан, тадқиқот ишида ишлаб чиқилган «Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларнинг харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ҳукумат қарорининг лойиҳаси юқоридаги таҳлилларга асосланган. Ушбу қарорга мувофиқ тасдиқланадиган низомда процессуал ҳаракатлар ўтказиладиган жойга келиб-кетиш, турар жойни ижарага олиш ва суткалик харажатлар ҳамда эксперт, таржимон ва мутахассисга тўланадиган

ҳақни ҳисоблаш мезонлари, шунингдек гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, мутахассис, таржимон ва холисларга тўловни амалга ошириш тартибга солинган.

Шунингдек, унда илк бор юридик таржима шакллари ҳамда сурдотаржима учун тўлов миқдори ҳуқуқий асосланган. Бунда жиноят процессида ўз процессуал вазифасини бажарадиган таржимоннинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори хорижий тилларнинг тури ва мураккаблигидан келиб чиқиб белгиланган. Ушбу низомда процессуал харажатларни тўлаш ҳақидаги ариза ҳамда тегишли органнинг қарорига илова қилинадиган тўланиши лозим бўлган процессуал харажатлар тўғрисидаги маълумотноманинг шакл ва реквизитлари ҳам аниқ кўрсатилган.

Бундан ташқари, тадқиқот давомида процессуал харажатларни тўлаш ҳақида чиқариладиган қарор, процессуал ҳаракатлар ўтказиладиган жойга чақирилиш билан боғлиқ доимий иш жойида иш ҳақини сақлаб қолишга асос бўладиган маълумотнома шакли ишлаб чиқилган. Процессуал харажатларни тўлашда расмийлаштириладиган процессуал ҳужжат намуналарининг амалда татбиқ этилиши, ўз навбатида, процессуал харажатларни тўлашнинг аниқ механизмлари шаклланишига хизмат қилади.

Тадқиқотда юртимизда бозор муносабатлари тобора чуқурлашиб бораётган бугунги шароитда жиноятларни профилактика қилиш ҳамда уларга қарши курашиш сиёсатида иқтисодий таҳлилларнинг аҳамиятига алоҳида урғу берилиб, улар процессуал харажатлар институтини ҳуқуқий тартибга солиш йўналишларини белгилашга ҳам таъсир қилиши мумкинлиги эътиборга олинган. Хусусан, АҚШдаги «The Costs of Crime and Justice (Жиноят ва адолат харажатлари)», «The economic and social costs of crime (Жиноятнинг иқтисодий ва ижтимоий харажатлари)» номли тадқиқотлар, шунингдек канадалик мутахассислар томонидан чоп этилган «An Introduction to Economic Analysis in Crime Prevention: The Why, How and So What? (Жиноятларнинг олдини олишда иқтисодий таҳлилдан фойдаланиш: нима учун, қандай ва қандай қилиб?)» номли ҳисобот, Австралиядаги «How i Would Spend $100 Million to Reduce Crime? (Қандай қилиб 100 миллион доллар эвазига жиноятчиликни камайтириш мумкин?)» номли тадқиқот ишида илгари сурилган иқтисодий таҳлиллар ва улар асосида ишлаб чиқилган тавсиялар ана шулар жумласидандир.

Илғор тажрибалар таҳлили асосида муаллиф жиноятчиликка қарши курашишга доир давлат сиёсатининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида, Ўзбекистонда «Адолат харажатлари» деб номланган миллий тизимни жорий қилишга доир концептуал тавсияларни ишлаб чиққан. Ушбу тизим асосида жиноятлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органларнинг куч ва имкониятларини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда фаолиятини моддий таъминлаш мажбуриятини маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет маблағлари ҳисобига ўтказиш, шунингдек жарима жиноий жазосини қўллаш ҳамда жиноий йўл билан топилган мол-мулкни мусодара қилиш орқали келиб тушадиган маблағнинг бир қисмини ушбу тизимга сарфлаш таклиф этилган.

Мазкур тизим ҳисобидан қуйидагиларни молиялаштириш назарда тутилган: 1) жиноят ишларини юритишда сарфланадиган процессуал харажатлар; 2) жабрланувчиларга тўланадиган компенсация; 3) фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантиришлар; 4) ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширадиган давлат органларининг моддий-техник таъминоти, ойлик маош ва бошқа ижтимоий ҳимоя воситалари билан боғлиқ қўшимча харажатлар; 5) жиноят процесси иштирокчиларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ чора-тадбирлар.

Таклиф этилаётган тизимнинг энг муҳим жиҳати шундаки, ҳудуддаги жиноятчиликнинг аҳволидан келиб чиқиб, сарфланган маблағлар қиймати ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар, шу жумладан ушбу маъмурий ҳудуд раҳбари (ҳоким)нинг маошидан тенг улушларда ушлаб қолинади. Бунда ҳудуддаги жиноятчиликка қарши курашадиган органлар ходимларининг иш ҳақи жиноятларнинг камайиш даражасига мос равишда кўпайиб боради. Яъни, ушбу механизм орқали ҳудуддаги жиноятчилик даражаси билан унинг олдини олувчи органлар ходимларини рағбатлантириш ҳажми ўртасида мутаносиблик бўладиган тизимни шакллантириш назарда тутилган. Тадқиқотда мазкур янги тизимни жорий этишнинг умумий қоида ва афзалликлари келтирилиши билан бирга, унинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш зарурлиги асослантирилган.

Тадқиқотчи процессуал харажатларнинг тежалишига эришиш мақсадида, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифаларини бажариш самарадорлигини ошириш ҳамда тадқиқ этилаётган институтни ривожлантиришнинг истиқболлари, хусусан жиноят ишларини юритишнинг соддалаштирилган тартибини жорий қилиш; ярашув, амнистия институтининг имкониятларини кенгайтириш; хусусий айблов институтини такомиллаштириш, яъни ҳар бир жиноят тури бўйича жабрланувчига тўланадиган компенсация миқдорини белгилаган ҳолда, жиноят иши қўзғатиш масаласини жабрланувчининг шикояти асосида ҳал қилиш; жиноятнинг айрим турларини декриминаллаштириш ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тоифасига киритиш; тергов ҳаракатларини ўтказишда видеоконференцалоқа тизими имкониятларидан кўпроқ фойдаланиш; жиноят ишини юритишдаги ёзишмалар, хусусан экспертиза текшируви билан боғлиқ ҳужжатларнинг электрон муомаласи тизимини жорий қилишнинг афзалликлари ҳақида баён қилган.

Диссертация хулосасида тадқиқотнинг асосий илмий натижалари ишни судга қадар юритиш босқичида процессуал харажатлар институти билан боғлиқ назарий хулосалар, процессуал харажатларни тўлаш механизмини такомиллаштириш ва унда мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва тавсиялар, жиноят ишини юритиш амалиёти билан боғлиқ асослантирилган тавсиялар тарзида гуруҳлаштирилган.

ХУЛОСА

Ишни судга қадар юритиш босқичида процессуал харажатларни тўлашнинг амалдаги ҳолати таҳлилига, илмий билимлар, замонавий жиноят-ҳуқуқий концепциялар, бошқа юридик, иқтисодий ва ижтимоий фанларнинг қонуниятларига, эмпирик умумлашмалар натижаларига таяниб, диссертация мавзусига оид қуйидаги асосий хулоса ва тавсиялар таклиф этилади:

I. Илмий-назарий хулосалар

1. Процессуал харажатларни жиноят ишини юритишдаги бошқа харажатлардан фарқлаш учун унинг қуйидаги муҳим белгиларига асосланиш мақсадга мувофиқ: а) процессуал харажатлар фақат жиноят ишларини юритиш жараёнида юзага келади; б) улар жиноят ишини юритиш мақсадларига хизмат қилади; в) процес иштирокчиларининг ўз процессуал вазифаларини бажаришлари муносабати билан юзага келади.

2. Процессуал харажатларни тавсифлашда уларнинг асосини ташкил қиладиган элементлар билан боғлиқ қуйидаги мезонларга асосланиш зарур: а) терговга қадар текширув органи, суриштирувчи, терговчи ва суднинг жиноят ишини юритишга оид процессуал фаолиятини таъминлаш харажатлари; б) жиноят ишида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган ва иштирок этадиган бошқа шахсларнинг процессуал вазифаларини бажариш харажатлари; в) далилларни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар.

3. Жиноят-процессуал ҳуқуқда процессуал харажатларнинг қуйидаги илмий-назарий ҳамда ҳуқуқий таърифларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

кенг маънодаги *процессуал харажатлар* – жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифаларига мувофиқ юзага келадиган ҳамда жиноят ишини юритишга масъул мансабдор шахслар процессуал фаолиятининг самарадорлигини оширадиган, жиноят процессида иштирок этувчи шахсларнинг мулкий ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, уларга давлат ҳисобидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, далиллар билан ишлаш бўйича процессуал ҳаракатларнинг моддий шарти бўлиб хизмат қиладиган сарф-харажатлар;

тор маънодаги *процессуал харажатлар* – жиноят ишини юритиш давомида жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифаларига мувофиқ келиб чиқадиган ва жиноят процесси иштирокчиларининг мулкий ҳуқуқларини муҳофаза қилишга сарфланадиган маблағлардир.

Процессуал харажатларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнида ифодаланадиган ҳуқуқий таърифи – *давлат бюджети ёки жиноят процессининг иштирокчилари ҳисобидан қопланадиган жиноят ишини юритиш билан боғлиқ харажатлар.*

4. Процессуал харажатларни тўлаш деганда *жабрланувчи ва уларнинг вакилларига, гувоҳлар, холислар, экспертлар, таржимонлар ва*

мутахассисларга – процессуал ҳаракатлар ўтказиладиган жойга келиб-кетиши, турар жойни ижарага олиши учун, шунингдек суткалик харажат пули тариқасида; улардан доимий иш ҳақи олмайдиганларига (эксперт, таржимон ва мутахассисдан ташқари) – одатдаги машғулотларидан чалғиганлиги учун; эксперт, таржимон ва мутахассисга – процессуал вазифаларини бажарганлиги учун, ҳимоячига эса давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатганлиги эвазига ҳақ бериш тушунилмоғи лозим.

5. «Чиқим» атамаси луғавий маъносига, шунингдек юридик, иқтисодий ва психологик хусусиятларига кўра ЖПК нормаларида процессуал харажатларни ифодалашда қўллаш мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабли келгусида қонун ҳужжатларида унинг ўрнида «харажат» атамасидан, жиноят-процессуал ҳуқуқда «процессуал харажатлар» иборасидан фойдаланиш таклиф этилади.

6. Процессуал харажатлар институтини норматив тартибга солишнинг турли йўллари мавжудлигини инобатга олиб, хорижий давлатлар илғор тажрибаси асосида унинг қуйидаги ўзига хос жиҳатларини инобатга олиш мумкин: *биринчидан*, жиноят ишини юритиш давомида юзага келадиган процессуал харажатларни аввалдан тўлаш тартиби мавжудлиги; *иккинчидан,* жиноятларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш дастурларини ишлаб чиқишда иқтисодий таҳлилларга таяниш; *учинчидан,* жиноятдан жабр кўрган фуқароларга компенсация тўлашга ихтисослашган жамғармалар таъсис этилганлиги.

7. Суд-тергов амалиётида процессуал харажатларни тўлаш механизми амалда деярли ишламаслиги жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятида коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллардан бири ҳисобланади. Шу боис процессуал харажатларни тўлаш тартибининг аниқ ва бир маромда ишлаши жиноят ишини юритиш фаолиятида коррупциявий омилларнинг олдини олишга хизмат қилади.

II. Қонунчилик нормаларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар

Ўзбекистон Республикаси ЖПКда процессуал харажатларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги ўзгартиш ва тўлдиришларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. ЖПКнинг 53-моддаси биринчи қисмини қуйидаги жумла билан тўлдириш: *«ишда давлат ҳисобидан қатнашган ҳолларда процессуал ҳаракатлар ўтказиладиган жойга чақирилганлик билан боғлиқ харажатларни ундириш»*;

2. ЖПКни қуйидаги мазмундаги 62^1-модда билан тўлдириш:

«62^1-модда. Вакилни таклиф этиш

Вакил жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёки уларнинг қонуний вакиллари, шунингдек жабрланувчининг илтимоси ёки розилиги билан бошқа шахслар томонидан таклиф этилади.

